

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ЗАМОН БИЛАН ҲАМҚАДАМ БЎЛСИН

Қарийб 15 йил муқаддам қабул қилинган «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун^{*} Палатаси муҳокамасига ана шу қонун ҳужжатининг янги таҳрири лойиҳаси тайёрланмоқда. Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзолари Абдурафиқ Аҳадов («Адолат» социал-демократик партияси фракцияси) ҳамда Абдурашид Тўхтабоев («Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси) концепция муаллифларидир.

Қонун ижодкорлари бу гал ўз олдларига қандай вазифалар қўйдилар? Гап ҳозир амал қилиб турган қонун ҳужжатининг долзарблигини янги иқтисодий ва қонунчилик воқеликлари билан келиб чиқиб ошириш ҳақида боряптими ёки, аксинча, унга киритилаётган ўзгартишлар молия ҳисоботи ва умумдавлат статистикаси тизимига асос бўлувчи бухгалтерия ҳисоби соҳасида жиддий ўзгартишлар келтириб чиқариб, ўз навбатида бошқа қонун ҳужжатларига ҳам муайян тузатишлар киритишни тақозо этадими? Бухгалтерларнинг иши билан боғлиқ шартлар ўзгариши, хусусан баҳоловчилар ёки аудиторлар билан бўлганидек, жавобгарлик кучайтирилиб, янада қаттиқроқ малака талаблари жорий этилиши кутилмоқдами?

Қонун ижодкорлари ҳозирча қоралама, хомаки материалларнинг оммалаштирилишини маъқул кўрмаяптилар, бўлғуси қонуннинг танавори энди-энди шаклланимоқда, муҳокамага боргунга қадар ҳали обдан пишитилмоғи лозим деган ваз қилмоқдалар... Бироқ концепция билан, умуман олганда, бухгалтер ва аудиторларнинг жамоатчилик асосидаги ташкилотларида танишиш мумкин. Лойиҳанинг вақт нуқтаи назаридан энг охиригиси деса бўладиган намуналари танишиб чиқилиши ва тармоқ асосида ишлаб маромига етказилиши учун бир қанча вазирлик ва идораларга юборилган экан. Ҳужжат билан бу вазирлик ва идораларда ҳам танишиш мумкин. Баъзи саволларимизга қонун лойиҳаси ижодкорларидан бири Абдурафиқ АҲАДОВ жавоб беришга розилик билдирди.



– Қонун матнигагина эмас, балки унинг концепциясига ҳам тузатишлар киритиш зарурати боиси нима? Ўзгаришлар қанчалик таг-заминли ва қўламдор бўлади?

– Қонун 1996 йилнинг августда қабул қилинган бўлиб, амал қилиб келаётган бутун давр мобайнида унга бирон марта ҳам ўзгартиш киритилмади. Ваҳоланки, шу муддат ичида ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шарт-шароитлари тубдан ўзгарди, қолаверса иқтисодиётнинг тузилиши ва қонунчиликда ҳам ўзгаришлар бўлди. Табиийки, амал қилиб келаётган қонун ҳозирги вақтга келиб маънан мутлақо эскирди.

Ўтган вақт мобайнида «Бюджет тизими тўғрисида»ги, «Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида»ги мутлақо янги қонунлар қабул қилинди, тўғридан-тўғри амал қилувчи Солиқ кодексининг янги таҳрири амалга киритилди, Фонд бозори ривож топди, банк соҳаси такомиллашди, жаҳон тажрибаси асосида бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Тўғри, бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун бугунги кунда ҳар қалай ишлаб турибди. Бироқ айна чоғда у замонавий иқтисодий воқеликларни ўзида мужассам этмайди, қонунчилик техникаси нуқтаи назаридан айрим зиддиятлари ва муайян камчиликлари бор, иқтисодий тараққиётимизнинг янги устуворликларига жавоб бера олмайди, ислохотларни жадал амалга оширишга қўмаклаша олмайди, ҳам. Ўзининг «ҳаддлиги» доирасида соҳани тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатларидан ҳатто орқада қолмоқда. Масалан, Солиқ кодексининг янги таҳририга бухгалтерия ҳисобига бевосита дахлдор жуда муҳим янгиликлар киритилган, ҳолбуки соҳага оид бу

қонунда ана шу янгиликлар ўз аксини топмаган.

Қўмитамиз иқтисодиётнинг таянч тармоқларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонуннинг ижросини кўп йиллардан буён кузатиб келмоқда. Одатда ҳар сафар бухгалтерия ҳисобини ташкил этишга ҳамда уни юритиш устидан ички назорат олиб боришга тааллуқли ҳар хил қоида-бузарликлар аниқланади. Бундай камчиликларнинг сабаби бир жиҳатдан қонун мукамал эмаслиги оқибати бўлса керак деб ўйлаймиз.

Бугунги кунда унда етарлича аниқлик йўқ. Соҳа мутахассисларига қўйиладиган зарур малака талаблари кўрсатилмаган, ҳўжалик юритувчи субъект раҳбари билан бухгалтерия ҳисоби юритилиши учун масъул шахслар ўртасидаги жавобгарликни аниқ белгилаб қўйиш масалалари яхши таърифланмаган. Бухгалтерия ҳисоби тушунчасининг ўзи тўлиқ очиб берилмаган экан, бошқалари ҳақида гапирмаса ҳам бўлади!

Ҳозир бизда мулкчиликнинг ҳар хил турлари мавжуд... Хусусий мулк, оммавий мулк, давлат улуши бўлган корхона, банк муассасалари ва уларга тенглаштирилган муассасалар шулар жумласидандир. Ҳар бирининг ўзига хос хусусиятлари ва жиҳатлари бор, уларнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботига қўйиладиган талаблар ҳам ўзига хосдир. Бу борада тамомила ўзгача ёндашувга асосланган тармоқлар ва соҳалар ҳам бор. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги ҳадли қонун таянч, универсал қонун ҳуж-

Қонун ижодкорлари нималар устида ишлашмоқда

жати бўлгани билан унинг асосида ҳар қандай ҳисоб ихтисоси тармоқ ва шохобчаларини мужассам этувчи қонуности шажараси шаклланишини таъминловчи қандайдир «ўзак» асослар бўлиши лозим.

Ҳозирча биз бўлажак қонуннинг концепциясини яратдик ва мутахассислар билан келишиб олмоқдамиз. Унинг ҳар бир моддаси, ҳар бир сўзи устида ҳали кўп иш олиб боришга тўғри келади. Бундай қараганда, майда бўлгани билан қонунда уқув, билимдонлик билан акс эттирилиши, қамраб олинishi лозим бўлган масалалар кўп. Қонуннинг ўзига баъзилари кирмаслиги ҳам мумкин, аммо муштарак тарзда бўлса-да белгилаб қўйилиши шарт.

– Бухгалтерларга нисбатан малака талаблари қай даражада кучайтирилади?

– Амалдаги қонунда бухгалтерларга, шу жумладан бош бухгалтерларга ҳам, ҳисоб-китоб бухгалтерларига талаблар йўқлиги мамлакатимиз миқёсида ана шу соҳадаги кўплаб мутахассисларнинг вазифалари эътибор нуқтаи назаридан четга чиқиб қолишига олиб келади. Услугият ва норматив базанинг барча талабларини инобатга олган ҳолда бухгалтерия ҳисоби юритилишини, молиявий ва бошқа хил ҳисоботлар тайёрланишини таъминлаш касбий масъулият билан ҳам, ҳеч бўлмаганда бош бухгалтерларнинг малака кўникмаларини мунтазам равишда ошириб бориш билан ҳам чамбарчас боғлиқ бўлиши лозим.

Бундан ташқари, оммавий манфаатга молик, мамлакат иқтисодиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган корхона ва ташкилотларнинг (юрidik ва жисмоний шахсларнинг маблағлари жамланган акциядорлик жамиятлари, банклар, кредит ва суғурта компанияларининг, фондлар, биржалар ва бошқа ташкилотларнинг, шунингдек устав капиталда давлат улушлари бўлган корхоналарнинг) бош бухгалтерларига нисбатан талаблар янада кучайтирилмоғи лозим деб ўйлаймиз. Бундай талабларнинг бўлмаслиги амалда сифатсиз молиявий ҳисобот тақдим этилиши ёки давлат статистикаси бузиб кўрсатилиши билангина эмас, айна бир вақтда оммавий ва давлат мулкига зарар етказиш билан боғлиқ жиддий муаммоларга сабаб бўлиши билан ҳам номаъқулдир.

– Малака талабларидан ташқари қонуннинг янги таҳририга яна қанақа ўзгартишлар киритилади?

– Қонуннинг тушунчалар мажмуи ишлаб маромига етказилиши, бирламчи ҳисоб ҳужжатларига, ҳисобга олиш регистрларига, жамлама молиявий ҳисоботга, электрон ҳужжат алмашишига тааллуқли талаблар аниқлаштирилиши, бухгалтерия ҳужжатларини сақлаш муддатлари қайта кўриб чиқилиши ва шу сингари ишлар амалга оширилиши даркор.

Умуман олганда, аниқлаштириш йўсинидаги жуда кўп ўзгартишлар киритилади. Бундай ўзгартишлар қонун лойиҳасининг амалда ҳамма моддаларига дахл этади ва нормаларининг амалий жиҳатдан ҳаётийлигини таъминлайди. Айтайлик, «молиявий ҳисобот куйидагиларни қамраб олади» деган ифода билан «йиллик молиявий ҳисобот куйидагиларни қамраб олади» деган таъриф ўртасида ёки «маъмурият руҳсати билан» деган ифода билан «бухгалтерия ҳисоби субъекти раҳбарининг руҳсати билан» деган таъриф ўртасида тафовут борлигини сиз ҳам инкор этмасангиз керак. Таърифларнинг мужмалроқ, ноаниқроқ бўлиши қонунларнинг тўлиқ ижро этилишига монелик қилади.

– «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси билан «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси ушбу қонун лойиҳасида партиявий манфаатларни амалга ошириш учун муштарак платформа топди дейиш мумкинми?

– Мен қонун лойиҳасида қандайдир кўринишдаги мафкура бор дея олмайман. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун лойиҳаси миллий манфаатларга жавоб беради дейиш мумкин, албатта ва бу нарса муайян маънода «Миллий тикланиш» партияси платформасига мутаносибдир, айна чоғда мазкур қонун адолат принциплари («Адолат» партияси платформаси) асосида таркиб топмоғи лозим.

Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида сифатли таянч қонуннинг қабул қилинишидан давлат ҳам, корхоналарнинг ўзи ҳам бирдек манфаатдор деб ўйлайман. Бундай ҳисоб яхши ташкил этилмаганлиги, бухгалтерия кадрларининг касб малакаси, уқув ҳамда билимдонлиги етарли эмаслиги кўпчилик учун анчагина оғриқли масалалар сирасига киради.

Юлия ЯШИНА,
«Норма маслаҳатчи»нинг
ўз муҳбири.

*1996 йил 30 августдаги 279-1-сон Қонун.

УШБУ
СОҲДА

1-бет

Бухгалтерлар учун
янги қонун
ишлаб чиқилмоқда

2-бет

Қонун ҳужжатларига
қисқа шарҳ

3-бет

Монополияга йўл йўқ,
соғлом рақобатга йўл очик

4-бет

Йўқолган бухгалтерия
ҳужжати қандай
тикланади?

\$1 = 1660,70 сўм

€1 = 2263,07 сўм

£1 = 2667,25 сўм

¥10 = 199,58 сўм

ЯНГИ ХУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.pogta.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.

ВАЗИРЛИКНИНГ ВАЗИФАЛАРИ КЕНГАЙТИРИЛДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 январдаги 18-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 341-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Уларга мувофиқ эндиликда Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари нафақат янги авлод дарсликлари ва ўқув қўлланмаларини яратишга, ўқув бинолари ва талабалар яшаш жойларининг моддий ҳолатини яхшилашга, шу жумладан уларни жорий ва мукамал таъмирлашни амалга оширишга, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга, балки олий таълим муассасаларида ижтимоий, тарбиявий, психологик ва бошқа ўқув-услубий, илмий лойиҳалар ҳамда тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказишга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорларига кўра ўтказиладиган спорт-соғломлаштириш ва бошқа тадбирларга сарфланади.

Бундан ташқари, Вазирлик мутасаддилик қилинадиган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларнинг илмий-техника дастурларини шакллантиради ва амалга оширади, шунингдек талабалар ўртасида Президент давлат стипендиатларини аниқлайди.

БОЗОРЛАРДА ЙИГИМЛАР ВА ТЎЛОВЛАР УНДИРИЛИШИ ТАРТИБГА СОЛИНДИ

Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг қарори билан (АВ томонидан 2011 йил 27 январда 2185-сон билан рўйхатдан ўтказилди) Бозорлар, савдо комплекслари ва уларнинг филиалларида бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ҳамда кўрсатилган хизматлар учун тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини ташкил этиш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди («СБХ»нинг 2011 йил 17 февралдаги 7 (863)-сонда эълон қилинган). Унда белгиланишича, бозорлар, савдо комплекслари ва улар филиалларининг тушумлари ва даромадлари қуйидагилар: бир марталик йиғимлардан даромадлар; ижара тўловларидан даромадлар; сотувчилар ва харидорларга хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар; бозор маъмурияти (ёки унинг савдо-харид корхоналари) томони-

дан амалга ошириладиган қишлоқ хўжалиги товарларини тайёрлаш, харид қилиш ва сотишдан (деҳқон бозорлари учун) олинган даромадлар; қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа тушумлар бозорлар даромадларининг манбалари ҳисобланади.

Бозорларда товарлар, буюмлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотувчи жисмоний шахслар ҳар бир сотиш жойидан савдо қилинган ҳар бир кун учун ёки ҳар бир товар, буюм, чорва мол учун бир марталик йиғимни тўлайдилар. Бир марталик йиғим тўлови тўловчилар томонидан нақд пул ёки нақд пулсиз шаклда автоматлаштирилган банк тизими орқали назорат-касса машиналари ёки тўлов терминалининг чекини бериш орқали амалга оширилади.

Бозорлар, савдо комплекслари ва улар филиалларининг маъмурияти тасарруфида бўлган бинолар, иншоотлар ҳамда бошқа мол-мулкни ижарага бериш фақат юридик шахсларга; якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳномага эга бўлган жисмоний шахсларга татбиқ этилади. Ижара тўлови ижарачи томонидан ҳар ойнинг 25-санасига қадар бозор ёки савдо комплексининг ҳисобрақамига тўланади.

2011 йил 6 февралдан кучга кирди.

ҚАЙТА СУҒУРТАЛАШНИНГ ЯГОНА ТАЛАБЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

Молия вазирининг буйруғи билан (АВ томонидан 2011 йил 29 январда 2190-сон билан рўйхатдан ўтказилди) Қайта суғурта қилиш хизматлари кўрсатишнинг ягона талаблари ва стандартлари тўғрисидаги низом тасдиқланди. Чунончи, қайта суғурта қилиш хизмати барча шартларни ўз ичига олган битта ҳужжатни тузиш; қайта суғурта қилиш тўғрисидаги бош шартнома (битим) ва унинг асосида тузилган қайта суғурта қилиш слипларини тузиш йўли билан ёзма равишда тузиладиган қайта суғурта қилиш шартномасига асосан тақдим этилади. Қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта пули ва қайта суғурта қилиш мукофоти абсолют миқдор кўринишида ёки томонлар келишувига кўра белгиланган суғурта пули ва қайта суғурта қилиш мукофотини ҳисоблаш механизми кўринишида аниқланади. Ҳужжатда қайта суғурта қилиш шартномасининг тузилиши ва кучга кириши; тўловлар амалга оширилиши; қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта товонини тўлаш мажбуриятлари юзага келишининг стандарт шартлари тартибга солинган.

2011 йил 8 февралдан кучга кирди.

КИЧИК БИЗНЕС УЧУН ДАСТУР

Президентнинг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1474-сон қарори билан «Кичик

бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тасдиқланди («СБХ»нинг 2011 йил 10 февралдаги 6 (862)-сонда эълон қилинган). У, хусусан, янада қулай бизнес-муҳит яратиш, хусусий мулкчиликнинг устуворлигини мустаҳкамлаш; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштирокини кенгайтириш масалаларини тубдан ҳал этиш; мазкур соҳа учун солиқ ва бошқа тўловлар бўйича янада қулай шарт-шароитлар яратиш, имтиёз ва преференциялар беришга йўналтирилган.

Тадбиркорларнинг ўз ишини очиши билан боғлиқ масалалар ҳал этилишига; уларнинг муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиши бўйича шарт-шароитларнинг яхшиланиши ва муддатлари қисқартирилишига; тадбиркорлик субъектларига ер участкалари, шунингдек, нотуражой хоналар ажратиб берилишига; кичик бизнес субъектлари фаолиятини текшириш ва бошқа ортиқча чеклашларни, давлат ва назорат органларининг тадбиркорлар молия-хўжалик фаолиятига аралашуви қисқартирилишига; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан кредитлар ажратилиши мониторингига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Ҳужжатда товарлар ва хизматлар экспорти ҳамда импорти бўйича статистик ҳисобот шакллари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари бўйича маълумотларни акс эттирадиган бўлим киритилиши назарда тутилган.

ФЕРМЕРЛАР УЧУН МАХСУС ҲИСОБРАҚАМ ОЧИЛДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 4 февралдаги 30-сон қарори билан Пахта толасини сотишнинг ички ва амалдаги нархлари ўртасидаги ижобий тафовутдан тушадиган маблағларнинг бир қисmini жамлаш ва улардан фермер хўжаликлари фойдаланиши тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Унга кўра, пахта толасини сотишнинг ички (сотиш бўйича харажатларни ҳисобга олган ҳолда) ва амалдаги нархлари ўртасидаги ижобий тафовутнинг 25 фоизи Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобрақамларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқнома (1999 йил 30 январда 615-сон билан рўйхатдан ўтказилган) талаблари татбиқ этилмайдиган хизмат кўрсатувчи банкдаги махсус ҳисобрақамда фермер хўжаликлари томонидан жамланади ва фойдаланилади.

Унга келиб тушган фермер хўжаликларининг маблағлари 2 иш куни давомида уларнинг Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги қарзини узишга мутаносиб равишда йўналтирили-

ши, шунингдек етказиб берилган моддий-техника ресурслари ва хизмат кўрсатувчи тармоқларнинг кўрсатилган хизматларига, ҳақ тўлаш учун фойдаланилиши белгиланди.

Ҳужжатда қуйидагилар зиммасига:

«Ўзпахтасаноат» бирлашмаси ҳамда Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси раҳбарлига – ижобий тафовут тўғри ҳисоб-китоб қилиниши учун;

«Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари ташкилотлари ва пахта тозалаш корхоналари раҳбарлига – фермер хўжаликлари ижобий тафовут ўз вақтида тўланиши учун;

«Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзнефтахсулот» акциядорлик компанияси ва «Ўзагротмашсервис» уюшмаси раҳбарлига фермер хўжаликларидан келиб тушган ижобий тафовут маблағларини соҳа корхоналарининг Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги қарзини сўндиришга мақсадли йўналтириши учун жавобгарлик юкланган.

КОНСУЛНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

Адлия вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлигининг қарори билан (АВ томонидан 2011 йил 31 январда 2191-сон билан рўйхатдан ўтказилган) Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг консуллари томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома тасдиқланди. Унга мувофиқ, консуллар қуйидаги нотариал ҳаракатларни амалга оширади: битимларни (шартномалар, васиятномалар, ишончномалар ва ҳоказоларни), фуқаронинг тирик эканлиги фактини, фуқаронинг муайян жойда эканлиги фактини, фуқаронинг فوتосуратда акс эттирилган шахс эканлигини, ҳужжатлар тақдим этилган вақтни тасдиқлайди; мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўради; меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномалар, эр-хотиннинг умумий мол-мулкдаги улушга мулк ҳуқуқи ҳақида гувоҳномалар беради; ҳужжатларнинг нусхалари ва ҳужжатлардан олинган кўчирмалар тўғрилигини, ҳужжатлардаги имзоларнинг ҳақиқийлигини, ҳужжатларнинг бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинганлигини шаҳодатлайди; пул суммалари ва қимматли қоғозларни депозитга қабул қилиб олади, сақлаш учун ҳужжатларни қабул қилиб олади; ижро хатларини ёзади; денгиз протестларини амалга оширади. Ҳужжатда нотариал ҳаракатларни амалга оширишнинг умумий қоидалари белгиланган, шунингдек нотариал ҳаракатларнинг ҳар бир алоҳида турини амалга ошириш қоидалари батафсил кўриб чиқилган.

2011 йил 10 февралда кучга кирди.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 2011 йил 22 январдан 11 февралгача бўлган 4-5, 6-сон асосида тайёрланди.

МДҲ ВА БОЛТИКБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	17.02.2011	1	0,795	1	1,0798	1	0,0272
Арманистон	17.02.2011	1	366,08	1	496,51	1	12,52
Беларусь	18.02.2011	1	3020	1	4090,89	1	103,27
Грузия	17.02.2011	1	1,7699	1	2,394	1	6,0461
Қозоғистон	18.02.2011	1	146,30	1	198,31	1	5,00
Қирғизистон	18.02.2011	1	47,469	1	64,1969	1	1,6169
Латвия	18.02.2011	1	0,518	1	0,702804	1	0,0177
Литва	18.02.2011	1	2,5453	1	3,4528	10	8,7024
Молдова	17.02.2011	1	12,021	1	16,2529	1	0,4102
Тожикистон	18.02.2011	1	4,4029	1	5,9807	10	1,5225
Ўзбекистон	15.02.2011	1	1660,70	1	2263,07	1	56,64
Украина	17.02.2011	100	794,17	100	1072,9237	10	2,7129
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246

Манба: www.prime-tass.ru

✓ ҚОНУН ИЖОДҚОРЛАРИ НИМАЛАР УСТИДА ИШЛАШ-МОҚДА

– Бухгалтерия ҳисоби замон билан ҳамқадам бўлсин **1-бет**

✓ **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

– Рақобатлашув янги ҳаёт ўзанда

– Валюталар курси

2-3-бетлар

✓ **ХЎЖАЛИК ҲУҚУҚИ**

– Ҳужжатлар тикланиши керак

4-бет

✓ **ЯНГИ ХУЖЖАТ**

– Бозорлар ва савдо комплексларида кўрсатиладиган хизматлар

учун ундириладиган тўловларнинг минимал миқдорлари

– Бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти томонидан ундириб олиннадиган бир марталик йиғимларнинг минимал миқдорлари

– Бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудидаги бино, иншоот ва ер майдонларидан ундириладиган тўловларнинг минимал миқдорлари

5-6-бетлар

✓ **ТОП**

7-8-бетлар

Қонунчиликдаги янгиликлар

АМАЛДАГИ 1996 йилги Қонун молия хизматлари бозорларидаги рақобат устидан назорат масалаларини қамраб олмаган. Бу эса рақобатга қарши қаратилган ҳаракатларга, шунингдек рақобатлашувни чекловчи ҳаракатларга йўл қўймаслик юзасидан чора-тадбирлар кўришга имкон бермайди. Янги қонуннинг лойиҳасида монополияга қарши қаратилган бошқарув ва тартибга солишни молиявий хизматлар бозорига ҳам татбиқ этиш тавсия қилинмоқда.

Кимошди савдолари (тендерлар) ва биржа савдоларини тартибга солиш соҳасида ҳам шунга ўхшаш вазият кузатилмоқда. Ана шу жабҳада монополияга қарши орган амалдаги 1996 йилги Қонунда зарур ваколатлар кўрсатилмаган. Алфозда иштирок этиб келмоқда. Қонун лойиҳасида тендер ва танлов кимошди савдоларини монополияга қарши қаратилган тарзда тартибга солиш таомили жорий этилмоқда. Бу норма кимошди савдоси иштирокчиларининг фаолияти ташкилотчилар ёки буюртмачилар томонидан мувофиқлаштириб борилишига тақиқ жорий этилишини; кимошди савдолари иштирокчилари доирасини чеклайдиган талаблар белгиланишини; бундай иштирокчилар учун кимошди савдосида иштирок этишнинг афзалликка асосланган шартлари, шу жумладан ахборотдан баҳраманд бўлиш ва эмин-эркин фойдаланиш йўли билан шундай шарт-шароитлар яратиб берилишини таъминлайди.

Қонун лойиҳасида биржа савдоларини монополияга қарши қаратилган йўсинда тартибга солиш масаласи ҳам назарда тутилган. Бу ҳол:

биржа савдосига қўйилган маҳсулотлар ҳажмларини сунъий тарзда пасайтиришга;

биржа савдоси иштирокчиларининг келишиб олинган тарздаги ҳаракатларига (бу нарса биржадаги жорий баҳолар кескин кўтарилиб кетишига ёки бундай баҳолар қайд этиб қўя қолинишига олиб келади);

ёлгон маълумотлар тарқатилишига (бундай маълумотлар биржа савдоларидаги талаблар сунъий йўсинда ўзгаришига сабабчи бўлиши мумкин) тақиқ солиш имконини беради.

РАҚОБАТНИ ҳимоя этиш йўналишларидан бири ҳўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига давлат органлари, айниқса маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аралашуви олдини олишдан иборатдир. Хусусан, кейинги 3 йил мобайнида ҳокимликларнинг қарорларини инвентаризация қилиш асносида шу хилдаги аралашув билан боғлиқ мингдан ортиқ ҳолат аниқланди. Улар ҳўжалик юритувчи субъектлар учун тенг бўлмаган шароитлар келтириб чиқарганлар, тадбиркорлик тузилмаларининг бозорга кириб бориши йўлига гов-тўсиқлар қўйганлар, уларнинг аралашуви маблағлари жалб этилишини чалғитганлар. Буларнинг ҳаммаси рақобатни ривожлантиришга олиб келмаслиги турган гап. Шу сабабли ҳам қонун лойиҳасида рақобатни чекловчи ҳаракатлар учун давлат органларининг жавобгарлигини кучайтириш назарда тутилмоқда. Бу эса бизнес соҳаси субъектлари учун тенг шароитларни таъминлайди; уларнинг фаолиятига асоссиз аралашувларнинг олдини олишга ёрдам беради (уларнинг молиявий маблағларини жалб этишдан чалғитувчи кўрсатмаларни, айрим ҳўжалик юритувчи субъектларга лицензиялашда асоссиз йўсинда имтиёзлар, преференциялар

берилишини барҳам топтиради). Қонун лойиҳасида айрим асосий тушунчалар аниқлаштирилган бўлиб, бу ҳол уларни турлича талқин этиш ҳолларига барҳам беради. Айни вақтда янги тушунчалар ҳам жорий этилмоқдаки, улар янги қонуннинг қўлланиш механизми ва соҳасига янада аниқлик бахш этади, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг хусусиятини аниқлашга ёрдам беради. Бир қанча тушунча ва атамалар, айтилик, «устун мавқе», «шахслар гуруҳи»,

НОҲАЛОЛ рақобатга қарши қаратилган ҳаракатлар кенгайтирилди ва аниқлаштирилди. Ҳўжалик юритувчи субъект учун бозор афзалликларини келтириб чиқаришга, унинг ишчанлик обрўсини оширишга имкон яратиб берадиган нотўғри қиёслашларни тарқатиш, истеъмолчиларни товарнинг нархи, сифати, тайёрловчининг (ижрочининг) кафолат мажбуриятлари борасида чалғитиш, шунингдек маҳсулотини рақобат-

қилиш ҳамда патентларни бекор қилиш учун ана шу қарорларни тегишли органларга юбориш ҳуқуқи берилмоқда. Тартибга солишнинг янада пухтарок бўлиши инсофсиз рақобат ҳолларининг олдини янада самарали тарзда олишга, тадбиркорлик субъектларининг ишчанлик маданиятини оширишга ёрдам беради.

ҚОНУН лойиҳасида иқтисодий жамланув устидан

гуруҳ шахсларнинг устунлик даражасини кучайтиришга олиб келадиган бошқача битимлар тузишни (ҳаракатларни амалга оширишни) тартибга солувчи алоҳида боб киритилди. Шу билан бирга ҳўжалик юритувчи субъектлар зиммасидаги маъмурий юқларни қисқартириш мақсадида қонун лойиҳасида активлар баланс қийматининг чегараси энг кам иш ҳақининг 4 000 баравари миқдоридан 100 000 баравари миқдорига қадар кўпайтирилди.

АКЦИЯЛАРНИ (улушларни) ва бошқа мулкий ҳуқуқларни сотиб олиш битимларини олдиндан келишиб олишнинг янги қадам-бақдам тартиби белгиланмоқда. Хусусан, акцияларни ишончли бошқарувга топшириш назарда тутилмоқда. Инвестиция воситачилари рақобатни ривожлантиришга таъсир этмаганликлари боис улар битимларни монополияга қарши орган билан келишмасдан туриб тузаверишлари мумкин. Бу яхши имконият бўлиб, битим ва келишувларни олдиндан келишиб олиш жараёнида тадбиркорлик субъектлари зиммасига тушадиган маъмурий юкни камайитириш имконини беради, уларнинг фаолияти янада кенгайтиришга замин яратади. Янги механизм олдиндан розилик олиш тартиб-таомилини соддалаштиради, инвестиция ва бошқа соҳалардаги мажбуриятлар бажарилиши устидан янада самаралироқ назоратни таъминлайди, битимларга доир қарорларни кўриб чиқиш ва қабул қилишнинг очиқ-ошкоралигини кучайтиради.

ҚОНУН лойиҳасига товарлар ва молиявий хизматлар бозорларидаги муносабатларни янада самаралироқ тарзда тартибга солишга қаратилган бир қанча янги нормалар киритилганлиги муносабати билан монополияга қарши курашувчи орган ваколатлари ҳам ўзгарган.

Қонун лойиҳаси монополияга қарши тартибга солиш соҳасидаги бир қанча камчиликларни барта-раф этиш, унинг очиқ-ошкоралиги ва самарадорлигини ошириш имконини беради, иқтисодий фаолият эркинлигини, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун тенг шароитларни ҳамда товарлар монеликсиз олиб ўтилишини таъминлайди.

Ирина ГРЕБЕНЮК,
«Норма маслаҳатчи»
мухбири.

РАҚОБАТЛАШУВ ЯНГИЧА ЎЗАНДА

Кейинги ўн йил мобайнида Ўзбекистонда монопол корхоналар миқдори 75,2 фоизга камайди. 2004–2009 йиллар мобайнида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг умумий ҳажмида монопол маҳсулотлар улуши камайиб, 26 фоиз ўрнига 20,8 фоизни ташкил этди. Товарлар ва хизматлар бозорида монополлашув даражасининг пасайганлиги рақобат борасида давлат миқёсида олиб борилаётган сиёсат самарасидир. Сақланиб қолган монополлашган бозорларда бозор субъектларининг ҳатти-ҳаракати жиддий тарзда ўзгарди. Иқтисодий тизимда содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар монополияга қарши қаратилган қонун ҳужжатларини такомиллаштиришни тақозо этди. Айни шу нарса мамлакат Президентининг 2010 йил 26 февралдаги «Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4191-сон Фармонида назарда тутилгандир.

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасида (бундан буюн матнда Кўмита деб юритилади) яқинда бўлиб ўтган давра суҳбатида ана шу хусусда гапирилди. **Ўзбекистон Республикасининг рақобат борасидаги сиёсати устуворликлари, шунингдек Кўмита томонидан давлатимиз раҳбарининг топширигига мувофиқ бошқа идоралар билан биргаликда ишлаб чиқилган «Рақобат тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг муҳим жиҳатлари тадбирда ўзаро фикр алмашувларнинг асосий мавзуси бўлиб қолди. Даврага тадбир ташкилотчилари – Кўмитанинг ва Монополияга қарши сиёсатни такомиллаштириш марказининг масъул ходимлари, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳаси вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари йиғилган эди.**

Кўмита ходимлари ўз нутқларида таъкидлаб ўтганидек, «Товарлар бозорида рақобат ва монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1996 йили қабул қилинган. Ана шу 355-1-сон Қонуннинг қатор нормалари бугунги кунга келиб мамлакатимиз иқтисодий тараққиёти даражасига унча монанд бўлмай қолди. Натижада янги ҳужжат – «Рақобат тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тайёрлаш зарурати келиб чиқди.

Кўмитанинг рақобат муҳитини ривожлантириш ва ноҳалол рақобатга йўл қўймаслик бўлими бошлиғи Валентина ДУБРОВСКАЯ куйида ана шу Қонунни тайёрлаш зарурати, шунингдек унда назарда тутилаётган янгиликлар ҳақида сўз юритади.

«Монопол тарздаги юқори баҳо» ва «Монопол тарздаги паст баҳо» тушунчалари алоҳида модда тарзида берилмоқда.

Қонун лойиҳасида «устун мавқе»ни товарлар ва хизматлар бозорига субъектнинг устун мавқеини белгилаш мезонларини аниқлаштириш ҳамда аниқ-равшан белгилаб қўйиш йўли билан таърифлаш, шунингдек бозор улуши миқдорини камайитириш принципини ўзгартириш назарда тутилган.

ТИЛ БИРИКТИРИШЛАРНИ аниқлашга самарали йўсинда ёндашув ҳам янгиликлар сирасига киради. Қонун лойиҳасига «келишув» ва «келишилган ҳаракатлар» деган янги тушунчалар киритилган. Шу муносабат билан контрагентларга шартнома предмети тааллуқли бўлмаган шартларни тиқиштириш; иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш; маҳсулот етказиб берувчини (сотиб олувчини) чеклаш; истеъмолчилар ҳудуди ёки доирасини мустақил белгилаш ман этилади. Буларнинг ҳаммаси рақобатни чекловчи келишувлар ва келишиб олинган ҳаракатларни амалга ошириш устидан назорат қилишнинг янада таъсирчан механизмларини, шу жумладан жарималар миқдорини энг кам иш ҳақининг 150 бараваридан 500 бараварига қадар кўпайтиришга асосланган механизмларини жорий этишни таъминлайди.

лашувчилар чиқараётган товарга ўхшатиб ишлаб чиқариш шундай иллатлар сирасига киради. Қонун лойиҳасида монополияга қарши курашувчи органга товар белгиларига патентлар ғайриқонуний олинганлиги хусусида қарорлар қабул

давлат назорати механизмини такомиллаштиришни таъминловчи нормалар белгиланмоқда. Лойиҳага акцияларни бирлаштириш, қўшиб олиш ва сотиб олишни, мулкий ҳуқуқларга эга бўлишни ва бозорда шахснинг ёки бир



ҲУЖЖАТЛАР ТИКЛАНИШИ КЕРАК

Қонун ҳужжатлари барча хўжалик операциялари тасдиқловчи ҳужжатлар билан расмийлаштирилишини талаб қилади. Бинобарин, ҳар қандай ташкилотнинг асосий мажбуриятларидан бири бирламчи ҳисоб ҳужжатлари бут сақланишини таъминлаш ҳисобланади.

Уни бажармаганлик учун жавобгарлик назарда тутилган. Масалан, бухгалтерия ҳужжатларининг мавжуд эмаслиги солиққа доир ҳуқуқбузарлик ҳисобланади, у Солиқ кодексининг (бундан кейин – СК) 116-моддасида назарда тутилган молиявий санкцияларга олиб келади. Жаримани тўлаганлик солиқ тўловчини бухгалтерия ҳисобини тиклаш мажбуриятидан озод қилмайди (СК 116-моддасининг иккинчи қисми). Солиқ тўловчига солиқ ҳисоботини белгиланган муддатларда тақдим этмаганлик учун ҳам жарима солиниши мумкин (СКнинг 115-моддаси).

Шуни қайд этиш лозимки, бухгалтерия ҳужжатларини йўқотиб қўйганлик учун нафақат ташкилот, балки унинг мансабдор шахсларининг ҳам жавобгарлиги назарда тутилган. Ҳужжатларни сақлаш муддатлари ва тартибига риоя этмаганлиги учун директор ва бухгалтерга (ёки зиммасига ҳисоб юритиш мажбурияти юкланган ҳар қандай бошқа жавобгар шахсга) энг кам иш ҳақининг 5 бараваридан 10 бараваригача миқдорда жарима солиниши мумкин (Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 175-1-моддасининг биринчи қисми).

САБАБЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ

Бирок ташкилот фаолиятида турли вазиятлар учраши мумкин. Агар ҳужжатлар шикастланган ёки йўқолган бўлса, нима қилиш керак (чизмага қаранг)? Аввало ҳужжатлар йўқолганлиги ва нобуд бўлганлигини текшириш бўйича комиссия тузиш зарур. Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айлануви тўғрисидаги низомнинг (Молия вазирининг АВ томонидан 2004 йил 14 январдаги 1297-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган) 29-бандига мувофиқ у воқеа юз берганидан кейин дарҳол тузилиши керак.

Ташкилот раҳбарининг буйруғи билан комиссиянинг таркиби тайинланади. Одатда унга молия хизмати ходимлари ва юз берган воқеанинг сабаблари ва оқибатларини аниқлаб оладиган мутахассислар киради. Масалан, юрист, бош муҳандис, техника хавфсизлиги бўйича муҳандис ва бошқалар.

Текшириш натижалари бўйича далолатнома тузилиши лозим, уни ташкилот раҳбари тасдиқлайди. Уни тайёрлаш чоғида воқеа юз берган жой ва ҳужжатларнинг сиртдан шикастланиши тавсифи батафсил баён этилиши керак. Далолатномада ҳужжатларнинг бут сақланиши учун жавобгар шахслар рўйхати (улар бош бухгалтер, иш бошқарувчи ва ҳоказолар бўлиши мумкин) келтирилиши керак. Уларнинг ёзма тушунтиришлари ҳам, йўқолган (шикастланган) ҳужжатлар рўйхати каби, далолатномага илова қилиниши лозим.

СОЛИҚ ОРГАНЛАРИГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ

Агар ташкилотнинг ҳисоб ҳужжатлари* йўқотилган ёки йўқ қилинган бўлса, уларни 3 ой давомида тиклаш имконияти берилади. Солиқ органлари билан келишилган ҳолда ушбу муддат олти ойдан ошмаган муддатга узайтирилиши мумкин (2110-сон Низомнинг** 4-банди).

*Ҳисоб ҳужжатлари солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни аниқлаш, шунингдек солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш учун асос бўлган бирламчи ҳужжатлар, бухгалтерия ҳисоби регистрлари ҳамда бошқа ҳужжатлардан иборатдир.

**Солиқ тўловчи томонидан ҳисоб ҳужжатлари йўқотилган ёки йўқ қилинган тақдирда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўланиши керак бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом, ДСҚ ва МВнинг АВ томонидан 2010 йил 31 майда 2110-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

***Корхонада ҳужжатлар айланиши тўғрисидаги тушунтириш материаллари билан «Корхона юристи» электрон маълумотнома тизимида батафсил танишишингиз мумкин.

Солиқ ҳисоботини тақдим этишнинг навбатдаги муддати келгунга қадар 10 кундан кечиктирмай рўйхатдан ўтган жойдаги солиқ органига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини ҳисоб-китоб қилиш орқали ҳисоблаб чиқариш тўғрисида ариза бериш шарт. Аризага:

ҳисоб ҳужжатлари йўқотилганлиги ёки йўқ қилинганлиги фактларини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари;

солиқ солиш мақсадида солиқ тўловчининг даромади сифатида қаралмайдиган пул маблағлари ажратилган ҳолда солиқ тўловчининг ҳисобрақамлари бўйича айланмалари тўғрисида банк(лар) кўчирма(лари)си.

Шуни таъкидлаш лозимки, юз берган воқеа расман тасдиқланмай туриб, сизнинг аризангизни ҳеч ким кўриб чиқмайди. Шу сабабли, агар, масалан, сув таъминоти кувурлари тешилиши туфайли офисни сув босган бўлса, хона мулкдори имзолаган сув босганлиги тўғрисидаги далолатномадан

ҲУЖЖАТ ТИЛИ БИЛАН

Бухгалтерия ҳисобининг йўқлиги ёки бухгалтерия ҳисобини белгиланган тартибни бузган ҳолда юритганлик ҳисобланиши лозим бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини аниқлаб бўлмаслигига олиб келганда –

юридик шахс – солиқ тўловчига нисбатан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг миқдорини аниқлаш имконияти бўлмаган даврда товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушум миқдорининг бир фоизи миқдоридан, бироқ энг кам иш ҳақининг эллик баравари миқдоридан кўп бўлмаган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Жаримани тўлаганлик солиқ тўловчини бухгалтерия ҳисобини тиклаш мажбуриятдан озод қилмайди.

Солиқ кодекси,

116-«Бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибини бузиш» моддаси.

ташқари, ХУМШдан маълумотнома олиш керак (агар офис кўп хонадонли уйда жойлашган бўлса).

Агар офис ёниб кетса, аризага ёнгин назорати органлари томонидан тузилган далолатнома илова қилиниши лозим. Унда барча нобуд бўлган мол-мулк, шу жумладан ҳужжатларнинг рўйхати кўрсатилиши керак.

Бундан ташқари, солиқ тўловчи солиқ солиш мақсадида солиқ тўловчининг даромади сифатида қаралмайдиган тушумларни ажратган ҳолда ҳисобрақамлар бўйича кўчирмалар олиш учун банкка муурожаат қилиши лозим.

ЙЎҚОЛГАН ҲУЖЖАТНИ ТИКЛАШ

Инвентаризация ўтказилиб, далолатнома ва йўқолган ҳужжатларнинг рўйхати тузилганидан кейин бирламчи ҳужжатларни тиклаш билан шуғулланиш лозим. Бунинг учун ташкилот раҳбари ёки бош бухгалтерия хизмат кўрсатувчи банкка муурожаат қилиши керак. Мижознинг ёзма сўровига кўра кредит ташкилоти ҳисоб-китоб рақами бўйича ўтказилган операциялар тўғрисида (маблағларнинг келиб тушиши ва ҳисобдан чиқарилиши бўйича) реестр кўчирмаси ва тўлов ҳужжатлари нусхаларини тақдим этади. Улар асосида ҳисоб бўйича мутахассис ҳисоб-китоб рақами орқали маблағлар ҳаракатининг бухгалтерия ҳисобини тўлиқ тиклаши, шунингдек улар билан ҳисоб-китоблар банк орқали

амалга оширилган контрагентлар рўйхатини тузиши мумкин. Агар ташкилот бир нечта ҳисоб-китоб рақамига эга бўлса, сўровларни улар очилган барча кредит ташкилотларига тақдим этиш лозим.

Бундан ташқари, ўзингизнинг барча контрагентларингизга ташкилотингизга дахлдор бўлган шартномалар, юкхатлар, ҳисобрақамлар, ҳисобварақ-фактураларнинг нусхаларини тақдим этиш илтимоси баён этилган расмий хат билан муурожаат қилишингиз мумкин.

Агар контрагент ҳужжатларнинг зарур нусхаларини тақдим этишдан бўйин товласа ёки тугатилган бўлса, ташкилот баҳоловчи ташкилот билан активлар қийматини баҳолаш хизматлари бобида шартнома тузиши мумкин.
